

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 417.3 (Ҳамза)*

Амонов Шермуҳаммад Нормуротович

ҲАМЗА ШЕҶРИЯТИНИНГ МАНБАЛАРИ, МАТНИЙ ТАДҚИҚИ

10.01.11 – Адабий манбашунослик ва матншунослик

**Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун
тақдим этилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2010

Диссертация Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети матншунослик, миллий уйғониш ва ҳозирги ўзбек адабиёти кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар:

филология фанлари доктори
Жабборов Нурбай Абдулҳакимович

Расмий оппонентлар:

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги давлат мукофоти соҳиби, филология фанлари доктори, академик
Қаюмов Азиз Пўлатович

филология фанлари номзоди, доцент
Тожибоев Рустам Қодирович

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат Педагогика университети

Диссертация химояси 2010 йил _____ ойининг ____ куни соат____да
Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги фан доктори илмий
даражасини олиш учун диссертациялар химояси бўйича Д.067.02.16 рақамли
Ихтисослашган кенгаш мажлисида ўтказилади.

Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ, Ўзбек филологияси факультети, 409-аудитория.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Илмий кутубхонасида танишиш мумкин. (100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси.)

Автореферат 2010 йил ойининг куни тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган кенгаш илмий котиби, филология фанлари номзоди А.Тилавов

ТАДҚИҚОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарбилиги. Ватанимиз истиқлолга эришганидан сўнг, жамиятнинг барча жабҳаларида бўлгани сингари маънавият соҳасида ҳам кенг ислоҳотлар амалга оширилди. Бунинг натижаси ўлароқ, миллий ва маънавий меросимизга оид қўлёзма ва тошбосма асарларни истиқлол мафкураси асосида тадқиқ қилиш учун кенг имконият юзага келди. Миллий адабиётимизнинг шўролар замонида ижодий мероси бир томонлама тадқиқ қилинган, вульгар социологик асосда ўрганилган бир қатор намояндалари ҳаёти ва адабий мероси янгича дунёкараш асосида қайта баҳолана бошлади. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазиикқа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди”¹.

Ўзидан бой адабий мерос қолдирган, ижодий фаолияти бугунгача илмий жамоатчилик ўртасида кўплаб баҳсларга сабаб бўлиб келаётган маърифатпарвар шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий шеъриятини илк манбалар асосида, ўзбек матншунослигида эришилган сўнгги илмий-назарий ютуқларга таяниб тадқиқ қилиш, шу асосда ижодкор меросига доир айrim мунозарали масалаларга ойдинлик киритиш, унинг назмий асарларини матний тадқиқ этиш асосида қайта баҳолаш сингари муаммоларни ҳал этишга қаратилгани ушбу тадқиқот мавзунинг долзарбилигини белгилайди.

Мавзунинг долзарбилиги, бундан ташқари, яна қўйидаги масалаларда кўринади: **биринчидан**, Ҳамзанинг тўрт жилдлик “Мукаммал асарлар тўплами”, беш жилдлик “Тўла асарлар тўплами” нашр этилган бўлса-да, илк манбалар билан қиёслаш натижалари шоир шеърлари матнида жиддий тафовутлар борлигидан далолат беради. Шоир назмий меросини тўлиқ тўплаш, уларни дастхат нусхалари ва бирламчи манбалар билан қиёсий тадқиқ қилиш, шеърларининг муаллиф варианти ва унга яқин матнларини тиклаш, шу асосда унинг миллий адабиётимиз тарихида тутган ўрнини қайта баҳолаш каби масалалар ҳам ҳануз илмий ечимини топган эмас. Бу муаммолар шоир лирикаси манбаларини саралаш, янгиларини излаб топиш, қиёсий таҳлил этиш сингари вазифаларни кун тартибига қўяди.

Иккинчидан, Ҳамза ижодий меросига оид аксар тадқиқотларда уни “шўролар тузумининг куйчиси”, “ўзбек совет адабиётининг асосчиси” сифатида нохолис баҳолаш, ўша кезлардаги ҳукмрон мафкурага мос келувчи айrim асарларини қайта-қайта чоп этиш ҳоллари кузатилди. Шоир

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфизликка таҳдид, баркарорлик шартлари, тараккиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. Б.137

лирикасига оид тадқиқотлар кўпчилик ҳолларда илмий ҳақиқатни аниқлашга эмас, сиёсий манфаатларга бўйсундирилди. Бу эса, ўз навбатида, Ҳамза шеъриятини илк манбалар асосида холис ўрганиш, илмий ҳақиқатни юзага чиқариш заруратини келтириб чиқаради. Ана шу масалаларни ҳал этишга қаратилгани ҳам диссертация мавзуининг долзарблигини тасдиқлади.

Учинчидан, XX асрнинг биринчи чорагида Ҳамза жадид адабиётининг вакили сифатида талқин қилинган¹ бўлса, кейинчалик шоир жадидларга қарши қўйиб ўрганиб келинди. Бинобарин, шеърий асарлари таҳлили асосида Ҳамза дунёқарашини, унинг шахс ва шоир сифатидаги эътиқодини белгилаш мухим илмий муаммолардандир. Ана шу сингари муаммолар ечими кўзда тутилгани ҳам тадқиқот мавзуининг долзарблигини кўрсатади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳамзанинг бой назмий мероси, шоирнинг миллий шеъриятимиз ривожига қўшган ҳиссаси тўғрисида кўплаб диссертациялар², монографик асарлар³, рисола⁴ ва биографик очерклар⁵, мақолалар тўплами⁶ ҳамда илмий мақолалар⁷ яратилган.

Мазкур тадқиқотлардаги ютуқлар, бизнингча, қуйидагиларда кўринади:

1. Ҳамзанинг лирик асарлари кўчирилган қўлёзма ва тошбосма манбалар ҳамда архив хужжатлари тўпланиб, нашр этилди.
2. Айрим қисқартириш ва “тахрир”лар билан бўлса-да, шоирнинг диний-маърифий мавзудаги шеърлари “Тўла асарлар тўплами”га киритилди. Бу мавзудаги шеърлари таҳлил этила бошлади⁸.
3. Ҳамза миллат манфаати ҳамда маърифат тарғиби учун турли адабий жанрлардан фойдалангани аниқланиб, маълум даражада тадқиқ этилди⁹.

¹ Шарафиддинов О. Ижодни англаш баҳти. - Т.: Шарқ, 2004. Б.148.

² Султонов Ю. Ҳамза Ҳакимзаде Ниязи как первый узбекский советский писатель. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Т. 1949; Пулатов Р. Социальные взгляды и общественно-литературная деятельность выдающегося представителя узбекской советской литературы Ҳамзы Ҳакимзаде Ниязи. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Самарканд, 1949; Джалалов Г. Ҳамза и устное народное творчество. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Т. 1961; Каюмов Л. Общественно-политическая деятельность и поэтическое творчество Ҳамзы Ҳакимзаде Ниязи. Диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. Т. 1963; Муминов Г. Вопросы традиции и новаторства в поэзии Ҳамзы Ҳакимзаде Ниязи. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Т. 1964; Аминова М. Эстетические принципы творчества Ҳамзы Ҳакимзаде Ниязи. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Т. 1968; Ахмедов Ш. Особенности лирики Ҳамзы (на основе “Дивана Нихани”). Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Т.: 1992.

³ Бозоров У.Б. Ҳамза ижодининг ғоявий асослари. Т.: ЎзФА нашриёти. 1960; Миртурсунов З. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳалқ маорифи ва тарбия ҳақидаги фикрлари. Т.: Ўрта ва олий мактаб нашриёти. 1961; Каюмов Л. Инқилоб ва ижод. Т.: Бадиий адабиёт. 1964; Ҳамза. Т.: Ёш гвардия. 1973; Ҳамза. Т.: Ёш гвардия. 1989.

⁴ Мамажонов С. Барҳаёт Ҳамза. Т.: Фан. 1991.

⁵ Султонов Ю. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Т.: Ўздавнашр. 1955; Ҳалқ санъаткори. Т.: Бадиий адабиёт. 1959; Ҳамза. Т.: Фан. 1973; Каюмов Л. Инқилоб кўйчиси. Т.: Бадиий адабиёт. 1962.

⁶ Ҳамза ҳақида мақолалар. Т.: Бадиий адабиёт. 1960.

⁷ Каюмов Л. Ҳамза поэзияси. // Филологик тадқиқотлар. ТошДУ. 1970. 39-52 бетлар; Мадаминов А. “Пушти гул”нинг Кўкон нусхаси. // Адабий мерос. Т.: 1982. 1(13). 47-50 бетлар; Абдувоҳидова М. Ҳамза ижодида мажозий асарлар ва образларнинг ўрни. // Адабий мерос. Т.: 1982. 4(24). 3-7 бетлар; Султонова М. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодида тарихий, мифологик ва адабий образлар. // Адабий мерос. Т.: 1985. 3(34). 3-6 бетлар; Турдиев Ш. Ҳамза ва 1916 йил кўзғолони. // Адабий мерос. Т.: 1987. 3(41). 3-8 бетлар; Ҳошимова М. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодида дин ахлларининг фош этилиши. // Адабий мерос. Т.: 1989. 1(47)3-6 бетлар.

⁸ Каюмов Л. Инқилоб ва ижод. Т.: Бадиий адабиёт. 1964. Б.129.

⁹ Каюмов Л. Ўша асар, Б. 133.

4. Шоирнинг кенг халқ оммасини, айниқса хотин-қизлар ва ёшларни илм олишга ундовчи шеърлари таҳлилга тортилди¹. Бироқ бу мавзуга оид тадқиқотларда ўша давр мафкураси таъсири яққол сезилади.

5. Ҳамзанинг халқ оғзаки ижодига бўлган муносабати, халқ кўшиқларини тўплаш ва тадқиқ этиш борасидаги фаолияти ўрганилди².

Бу ишлар эътиборга молик. Бироқ уларнинг деярли барчасида шоир ижодига, хусусан шеъриятига, шўро мафкураси нуқтаи назаридан ёндашилган. Қолаверса, тадқиқотчилар шоир меросини ўрганишга ўз мавзулари юзасидангина мурожаат этган. Ҳамза бой табақанинг, дин ва дин пешволарининг душмани сифатида талқин қилинган. Шу маънода, шоир шеъриятини илк манбаларга таяниб тадқиқ этиш, соф адабий-эстетик асосда қайта баҳолаш матншуносликнинг муҳим вазифаларидандир.

Тўғри, мустақиллик даври ҳамзашунослигига янгича қарашлар юзага келди. Б.Қосимов³, Л.Қаюмов⁴, О.Шарафиддинов⁵, Т.Зуфаров⁶, О.Рустамбек ўғли⁷, Б.Абдулхайров⁸, Р.Тожибоев⁹ мақолалари бунинг исботидир. Бу мақолаларда масалага холис ёндашилиб, шоир меросини ўрганишнинг долзарб муаммолари ўртага ташланган. Лекин бу илмий муаммолар ҳануз тўлиқ ҳал этилмаган. Шунинг ўзиёқ Ҳамза шеъриятининг асл манбалар асосидаги тадқиқини амалга ошириш масаласини кун тартибига қўяди.

Бундан ташқари, Ҳамза шеъриятининг адабий манбашунослик ва матншуносликка оид қуйидаги муаммолари ҳануз ечимини топмаган:

1. Ҳамза асарларининг қўллётмаларини ўрганиш асосида илмий жамоатчиликка шу пайтгача маълум бўлмаган шеърларини аниқлаш.

2. Шоирнинг “Тўла асарлар тўплами”га кирмаган назмий асарларини илмий муомалага олиб кириш, уларни таҳлил ва тадқиқ этиш.

3. Мафкура талабига кўра қисқартирилиб, “ғоявий таҳрир”дан ўтказилиб чоп этилган шеърларининг аслиятга мувофиқ матнларини тиклаш.

4. Шоир шеърий асарларининг қиёсий-матний тадқиқи.

Ана шу долзарб масалалар ҳал этилаётгани ушбу диссертациянинг шу пайтгача бажарилган тадқиқотлардан фарқланиб туришини кўрсатади.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факультети Матншунослик, миллий уйғониш ва ҳозирги ўзбек адабиёти кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган.

¹ Ҳамза ҳақида мақолалар. Т.: Бадиий адабиёт. 1960. Б.77.

² Ўша манба. Б.91.

³ Қосимов Б. Ўзбек адабиёти ва адабий алокалари тарихи. Т.:Фан ва технология. 2008. Б.224.

⁴ Қаюмов Л. Биз билмаган Ҳамза. ЎзАС. 1999 й. 29 январь.

⁵ Шарафиддинов О. Ижодни англаш баҳти. Т.: Шарқ, 2004. Б.131.

⁶ Зуфаров Т. Адабий манбашунослик. (Қўллётмалар институти олимларининг 1985, 1986 йилларда бажарган илмий ишларининг препринти). Т. 1987. Б.29.

⁷ О. Рустамбек ўғли. “Девони Нихоний”да адабий таъсир масаласининг акс этиши. // Адабиёт кўзгуси. Т. 2009. №11, Б.66.

⁸ Абдулхайров Б. Ҳамза драматургияси Миён Бузрук талқинида. Т.: // Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. №4, Б.79.

⁹ Тожибоев Р. Исмоилбек Фаспрали ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Т.: // Ўзбек тили ва адабиёти. 2009. №4, Б.46.

Тадқиқот мақсади: Ҳамза шеърияти манбаларини адабий манбашунослик ва матншуносликнинг сўнгги ютуқлари асосида ўрганиш, шоир асарларининг матний тадқиқини амалга ошириш, шоирнинг миллий уйғониш даври ўзбек адабиётида тутган ўрнини қайта баҳолашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- “Девони Ниҳоний”нинг нашр нусхалари ва қўллўзма манбаларининг қиёсий-матний тадқиқи;
- шоирнинг ижтимоий-сиёсий мавзудаги шеърларини ўзида жамлаган “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар” мажмуаси табдилининг аслият билан қиёсий таҳлили;
- шоир асарларини матн тарихи нуқтаи назаридан таҳлил этиш, “ғоявий таҳрир” натижасида тушириб қолдирилган, ўзгартирилган сўз ва жумлалар, мисра, байт ва бандларни илк манба асосида тиклаш;
- қўллўзма ва тошбосма манбалардан, архивлардан Ҳамзанинг “Тўла асарлар тўплами”га кирмаган лирик асарларини аниқлаш, шоир асарларининг дастхат нусхаларини илмий ўрганиш;
- илк манбалар таҳлили асосида шоир лирик асарларининг муаллиф варианти ва унга яқин матнларини тиклаш;
- Ҳамзанинг миллий уйғониш даври ўзбек шеъриятида тутган ўрнини илмий асосда қайта баҳолаш.

Тадқиқотнинг обьекти ва предмети. Ҳамзанинг ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейида сакланаётган архиви, шоир асарларининг ЎзРФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида ҳамда Ғафур Ғулом номидаги Кўқон Адабиёт музейида сакланаётган қўллўзмалари, XX аср бошларидағи миллий матбуот нашрларида эълон қилинган шеърлари, “Девони Ниҳоний” ва “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар” мажмуаси тадқиқотнинг обьектини ташкил этади.

Тадқиқот предмети сифатида Ҳамза шеърларида матн тарихи ва таҳрири масалалари, аслият ва табдил нусхалари қиёсий ўрганилди.

Тадқиқотнинг методлари. Ишни ёзишда тарихий-қиёсий усулдан фойдаланилди. Тадқиқотдаги илмий-назарий қараашларни далиллаща Президент И.А.Каримов асарлари ва нутқларидағи миллий маънавий меросни ўрганишга доир кўрсатмалар, ўзбек ва жаҳон матншунослигига эришилган илмий натижалар методологик асос вазифасини бажарди.

Диссертацион ишда Д.С.Лихачев, Ҳ.С.Сулаймонов, П.Шамсиев, Ғ.Каримов, Л.Қаюмов, О.Шарафиддинов, Б.Қосимов, А.Қаюмов, Ш.Юсупов, У.Норматов, Н.Каримов, Н.Раҳмонов, С.Содиков, Б.Дўсқораев, У.Долимов, Н.Жабборов, Н.Шодмонов, Р.Зоҳидов каби олимлар тадқиқотларидағи илғор тажрибалар ва ютуқларга таянилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- Ҳамза шеъриятини ўрганишнинг назарий-методологик муаммолари;
- “Девони Ниҳоний” ва “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар” мажмуасининг адабий манба сифатидаги ўзига хос хусусиятлари;
- шоир қаламига мансуб лирик ва ижтимоий-сиёсий шеърларнинг қиёсий-матний тадқиқи;

- Ҳамза шеърларида матн тарихи ва таҳрири масалалари;
- шоирнинг қўлёзма фондлар ва архивлардан янги аниқланган шеърлари таҳлили;

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ҳамза шеъриятининг манбалари ва матний тадқиқи муаммоси илк бор маҳсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилгани диссертациянинг илмий янгилиги сифатида баҳоланиши мумкин. Тадқиқотнинг илмий янгилиги яна қўйидагиларда намоён бўлади:

1. Ҳамза ижодий меросига оид тадқиқотлар таҳлили асосида шоир шеъриятини ўрганишнинг назарий-методологик муаммолари аниқлангани.

2. Шоир шеърий асарларининг дастхатлари, қўлёзма ва тошбосма манбалари, унинг лирик меросига оид архив хужжатлари манбашунослик аспектида таҳлил қилингани.

3. “Девони Нихоний”даги шеърларнинг матний тадқиқи асосида шоир лирик асарларининг аслиятга мувофиқ матни тиклангани.

4. “Миллий ашуалалар учун миллий шеърлар” мажмуасига кирган назмий асарлари аслият ва нашр нусхаларининг қиёсий таҳлили натижасида улардаги матний тафовутлар аниқланиб, умумлашмалар чиқарилгани.

5. Шоир шеърларининг матн тарихи, матн таҳрири сингари матншуносликнинг назарий муаммолари кесимида таҳлил этилгани.

6. Шеърларининг матний тадқиқи асосида Ҳамза лирик меросига оид тадқиқотлардаги вульгар-социологик қарашлар билан баҳсга киришилгани, унинг миллий уйғониш даври ўзбек адабиётидаги ўрни қайта баҳолангани.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Адабий манбашунослик ва матншуносликнинг назарий асосларига таянилиб, Ҳамза шеъриятининг матний тадқиқи амалга оширилгани ишнинг илмий аҳамиятидан далолат беради.

Тадқиқот натижаларидан олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари филология факультетларида “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти”, фанидан дарс машғулотлари ўтишда, “Матншунослик”, “Ўзбек ёзма матнининг тараққиёт босқичлари”, “Адабий манбашунослик ва матншунослик тарихи” каби фанлардан ўкув қўлланмалари, услубий қўрсатмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факультети талabalарига “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” ва “Матншунослик” фанларини ўқитишида амалиётга татбиқ этилган.

Ишнинг синовдан ўтиши: Диссертация мавзуси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факультети илмий кенгашининг 2008 йил 30 январдаги мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2008 йил 22 октябридаги йиғилишида тасдиқланган ҳамда “ОАК бюллетени”нинг 2009 йил 1-сонида эълон қилинган.

Иш 2010 йил 27 октябрда ЎзМУ Ўзбек филологияси факультети Матншунослик, миллий уйғониш ва ҳозирги ўзбек адабиёти ҳамда Жаҳон

адабиёти ва назария кафедраларининг қўшма йигилишида; 2010 йил 8 ноябрда Д.067.02.16 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги Илмий семинар мажлисида муҳокама қилиниб, ҳимояяга тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациядаги илмий-назарий хуносалар ва амалий тавсиялар муаллиф томонидан “Алтаистика и тюркология”, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Шарқ юлдузи”, “Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар”, “Ўзбекистон матбуоти”, “Илм сарчашмалари” журналларида чоп этилган жами 10 та илмий мақолада ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти фаслни ўз ичига олган уч асосий боб, хуроса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 132 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмida мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, манбалари, илмий ишнинг методи ва методологияси, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти асослаб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ҳамза шеъриятини ўрганишнинг назарий-методологик муаммолари”** деб номланган. Бобнинг биринчи фасли **“Ҳамза лирикасини тадқиқ қилиш тамойиллари”** тадқиқига бағишланган.

Илмий-методологик манбаларга таянган ҳолда шоир лирикасини тадқиқ этишининг асосий адабий-эстетик тамойилларини қўйидагича белгилаш мумкин:

1. Ҳамза шеърий асарлари матнининг аслиятга мувофиқлигини аниклаш.
2. Шоир шеърларида матн тахрири масаласини ўрганиш.
3. Ҳамза лирикасининг мумтоз адабий анъаналарга муносабатини тадқиқ қилиш.
4. Ижодкор асарларининг ўзбек миллий уйғониш адабиёти руҳига ва миллий истиқлол ғоясига мувофиқлигини белгилаш.
5. Ҳамза шеъриятида динийлик ва дунёвийлик мувозанати муаммоси таҳлили.
6. Шоир асарларининг умуминсоний ва миллий маърифий-ахлоқий моҳиятини тадқиқ этиш.

Ҳамза сингари мураккаб бир даврда яшаган, асарлари атайнин мафкура талабларига мослаштирилган шоир меросини тадқиқ қилишда **Ҳамза шеърий асарлари матнининг аслиятга мувофиқлигини аниклаш тамойили** асосидаги илмий текширув хуносаларнинг ҳаққонийлигини, назарий жиҳатдан асосли бўлишини таъминлайди. Шоир шеърларининг нашр нусхаларини аслият билан қиёслаш улар кескин “тахрир”га учраганини кўрсатади¹. Шунингдек, ғазалнинг тўртлик шаклига келтирилиши,

¹ Қаранг: Қосимов Б. Янги тафаккур: изланишлар, машакқатлар – Ўзбек адабиёти ва адабий алоқалари тарихи. Т.:Фан ва технология. 2008. Б.224.

шеърлардан бутун бошли байтлар, бандлар тушириб қолдирилиши, хато табдил қилиниши ҳоллари мавжудлиги ана шу тамойил асосидаги изланишлирни тақозо этади.

Ҳамза шеърияти тадқиқида **шоир шеърларида матн таҳрири масаласини ўрганиш тамойили** алоҳида аҳамиятга эга. Чунки шоир назмий асарларида матн таҳрирининг кўплаб турларига дуч келиш мумкин. Тадқиқот натижалари уларда адабиётимиз тарихида кўп кузатилган муаллиф таҳрири ҳам, қўлёзмаларни кўчирган котиблар таҳрири ҳам ёки шоир асарларини ўша давр ҳукмрон мағкурасига мослаштиришга қаратилган ноширлар таҳрири ҳам учрашини кўрсатади.

Ҳамза лирикасининг мумтоз адабий анъаналарга муносабатини тадқиқ қилиш тамойили ҳам шоир шеъриятини ўрганишда муҳим ўрин тутади. “Девони Ниҳоний” шоир мумтоз адабиёт анъаналарини муносиб давом эттирганидан далолат беради. Ундаги жанрлар кўлами ва образлар олами ҳам, вазн ва қофия тизими ҳам анънавий бўлса-да, тасвир ва ифода усули шоирнинг новаторликка интилганидан далолат беради.

Тенденциоз талқин адабиётшуносликнинг таназзулига боис бўлади. Жумладан, Ҳамза лирикасини таҳлил этар экан, Р.Камолова бундай ёзади: “Ислом дини ҳукмрон бўлган бир даврда, зоҳид художўйликни, таркидунёчиликни тарғиб қилаётган бир шароитда “Эй Ниҳоний, ринд бўл, кибру ҳаволарни унут” ёки:

Қуриб доми тамаъ зоҳид киби хилват саро бўлма,

Топиб ринд аҳлини хизматда бўл токи басар пайдо, –
деб жасорат билан кўтарилиши катта гап эди. Бу билан Ҳамза ҳар қандай сўфиёна ақидаларга ва таркидунёчиликка қарши чикиб, реал ҳаёт, ҳаётий муҳаббат ва конкрет гўзаллар ҳақида куйлади”¹.

Аслида, Ҳамзанинг бу сатрларида мумтоз адабиётимиз анъанасига мувофиқ тасаввуфий мазмун ифодаланган. Уларда “конкрет гўзаллар” ҳақида куйланбаётгани ёки “сўфиёна ақидаларга” қарши чиқилаётгани йўқ, балки хилватга юз тутиб, тамаъ умидидаги зоҳид каби бўлма, ринд аҳлини, яъни фоний дунё муҳаббатидан охират ҳаётини устун қўювчи зотларни топ, хизматида бўл, қалб кўзинг очилсин, дейиляпти. Матнни аввалдан тайёрланган қолипларга солиб талқин этишдек ноўрин анъана нотўғри хулосаларга олиб келгани ана шу биргина мисолда ҳам яққол кўринади.

Ҳамза лирикасидаги ижтимоий мотивлар ҳаётининг сўнгги ийлларидаги айrim шеърларни истисно этганда, миллий уйғониш ғояси билан суғорилган эди. Бу масала шоир шеъриятини тадқиқ этишнинг **ижодкор асарларининг ўзбек миллий уйғониш адабиёти руҳига ва миллий истиқлол ғоясига мувофиқлигини белгилаш тамойилидан** келиб чиқиб ўрганилиши мақсаддага мувофиқ. Шу пайтгача бунинг зиддини далиллашга ҳаракат қилингани таассуфлидир.

Шоирнинг 1914 йилда ёзилган “Ватандошларима хитоб” шеърида бундай дейилади:

¹ Ҳамза ҳакида мақолалар. Т.: Бадиий адабиёт. 1960. Б.116.

Ғафлат уйқусидин кўзунг оч, боқ замона,
Илм ила маориф тутуни тўлди жаҳона,
Солди ҳама миллат бу маорифга хазона,
Биз миллат этуб ор ила номуси баҳона,
На мактаба илм ўлди, на бозорда тижора,
Хушк ўлдугимиз боисидин бўлди касолат.¹

Ҳамза ҳам бошқа жадидлар сингари миллатни ғафлат ва жаҳолатдан уйғотишни мақсад-матлаб деб билди, ҳалқни басоратга – дунёга очик кўз билан қарашга даъват этди, илм ила маорифдан баҳра олишга чакирди. Профессор О.Шарафиддинов таъкидлаганидек, шоир шеъриятидаги ижтимоий мазмун шўро давридаги адабиётшунослар назарда тутган Октябрь инқилобини куйлаш эмас, балки ўз ҳалқининг орзу-армонлари ва муаммоларини акс эттиришдан иборат бўлган².

Ҳамза шеъриятининг бугунги авлодни миллий истиқлол руҳида тарбиялашдаги аҳамияти алоҳида. Зоро, шоир лирикасидаги Ватан ва миллатни дунёдаги мутараққий мамлакатлар ва ҳалқлар қаторида кўриш, бунда илму ирфоннинг, мактаб-маорифнинг ўрни, озодликнинг тенгсиз неъмат экани сингари ғоялар ўтган юзйиллиқда қанчалик долзарб бўлган бўлса, биз яшаётган XXI асрда ҳам шунчалик муҳимдир. Бу эса, ўз навбатида, шоир лирикасини ижодкор асарларининг ўзбек миллий уйғониш адабиёти руҳига ва миллий истиқлол ғоясига мувофиқлигини белгилаш тамойили асосида тадқиқ этишнинг илмий ва амалий аҳамияти катта эканидан далолат беради.

Ҳамза шеъриятида динийлик ва дунёвийлик мувозанати муаммоси таҳлили тамойили – нафақат Ҳамза шеъриятини, XIX аср охири – XX аср бошларида яшаб ижод этган барча маърифатпарварлар адабий меросини тадқиқ этишда алоҳида аҳамиятга молик методологик масала. Маълумки, миллий уйғониш ҳаракати намояндадари бу икки хусусиятни – динийлик ва дунёвийликни узвий алоқадорликда хис этган. Улар асарларида инсон камолоти ва жамият равнақи ана шу икки омилнинг мувозанатига, ўзаро уйғунлигига боғлиқ экани таъкидланган. Жумладан, Ҳамзанинг фикрича, маърифатсиз иймон мукаммаллигига эришиб бўлмайди. Илмдан бебахралик мусулмонлик даражасининг ҳам ноқислигини кўрсатади:

Маърифатсиз тонулмаз аҳкоми иймон,
Илмсизга айтулмас комил мусулмон, –

Ҳамза шеъриятида динийлик ва дунёвийлик мувозанати муаммоси таҳлили шоирнинг шахс ва ижодкор сифатидаги тутумини, дунёқарашини англашда алоҳида аҳамиятга молик.

Ҳамза лирикасини тадқиқ қилиш тамойиллари ҳақида сўз кетар экан, шоир **асарларининг умуминсоний ва миллий маърифий-ахлоқий**

¹ Ҳамза. Ватандошларима хитоб. // Садои Туркистон, 1914 йил 27-сон. (Бу шеър “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1994 йил 11 март сонида адабиётшунос И. Ғафуров томонидан эълон қилинган).

² Шарафиддинов О. Истибодд қурбони ёхуд ўзлигидан маҳрум этилган шоир – Ижодни англаш баҳти. Т.: Шарқ, 2004. Б.131.

моҳиятини тадқиқ этиш тамойили асосида ўрганиш ҳамзашунослик уфқларини кенгайтириши мумкинлигини таъкидлаш керак.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли “**Шоир шеъриятида матн таҳрири масаласи**” деб номланган бўлиб, бунда Ҳамза шеърияти, унинг нашрларини амалга оширишда матн таҳририга доир методологик муаммолар ўрганилган ва тасниф этилган. Ҳамза лирикасида матн таҳрири масаласи методологик аҳамиятга молик. Зоро, матн таҳрири матншуносликнинг асосий илмий муаммоларидан. Матн таҳрири эса, ўз навбатида, матн тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Матн тарихи матн ижодкори режаси ва мўлжалининг рӯёбга чиқиши жараёни бўлиб, матншуносликнинг асосий тадқиқот обьекти саналади.¹ Ижодкор режаси ва мўлжали эса асосан таҳрирда ўз аксини топади.

Ҳамза шеърларининг тадқиқи уларда матн таҳрири уч хил асосда амалга оширилганини кўрсатади: 1) муаллиф таҳрири; 2) қўлёzmани кўчириган котиб таҳрири; 3) ғоявий таҳрир.

1. Муаллиф таҳрири. Маълумки, “Девони Ниҳоний”нинг Тошкент нусхасидаги 70 дан ортиқ шеър девоннинг Кўқон нусхасида ҳам тақорорланади. Бироқ бу шеърларнинг деярли барчаси муаллифнинг жиддий таҳриридан ўтиб, девоннинг мукаммал варианти – Тошкент нусхасига киритилган. Ўз навбатида, диссертацияда шеърларнинг бундай таҳрири қуидаги тасниф асосида ўрганилди: а) сўз ва жумлалар таҳрири; б) мисралар таҳрири; в) байтлар таҳрири.

2. Қўлёzmани кўчириган котиб таҳрири. “Девони Ниҳоний”нинг Тошкент нусхаси матнини кўчиришда жиддий таҳрирлар қўзга ташланмайди. Матн бехато, анча мукаммал китобат қилинган. Бу ҳол девоннинг котиби муаллифнинг ўзи бўлгани ҳақидаги таҳминга асос беради. Бироқ девоннинг Кўқон нусхаси бундан мустасно. Чунки девоннинг мазкур вариантида айrim матний нуқсонлар, тузатишлар қўзга ташланади. Бу ҳақда Ҳамзанинг “Тўла асарлар тўплами” ноширлари қуидагича фикр билдириган: “Шеърларни кўчиришда хатолар, сакталиклар учраб туради. “Ушшоқим”, “Фалакни гардиши шундоғ” каби радифли шеърларда шу ҳолни кузатиш мумкин. “Тасаддуқ” радифли мухаммаснинг уч ўрнида бир мисрадан тушиб қолган”².

Кўқон нусхада ғазалларнинг мисралари, байтлари кўплаб ўринларда алмаштирилиб кўчирилган ёки ташлаб кетилган ҳолларга дуч келиш мумкин. Масалан, “Жонона, чиқар дилдин бинг оҳу фигон ҳар дам” мисраси билан бошланувчи ғазал девоннинг иккала нусхасида ҳам мавжуд. Ғазалнинг мақтаъси қуидагича:

Раҳм айла Ниҳонийга, Оллоҳ сенга раҳм этсун,
Бахтингни очуб қилсун давлатни равон ҳар дам.
(Тошкент нусха 28^a-саҳифа).

Ушбу байт Кўқон нусхадаги матндан тушириб қолдирилган (53-саҳифа 72-ғазал).

¹ Бу ҳақда қаранг: Лихачев Д.С. Текстология. М. – Л.: Наука. 1964. С. 34.

² Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Биринчи том. Т.: Фан. 1988. Б.282.

Умуман, қўлёзмани кўчирган котиб таҳрири юзасидан олиб борилган изланишлар шоир назмий асарларининг мукаммал матнларини тиклашда алоҳида аҳамиятга эга.

3. Ғоявий таҳрир. Рус матншуноси Д.С.Лихачев фикрича, мустабид мафкура шароитида яшаган ижодкорлар асарларида, ана шундай мураккаб ва зиддиятли даврда ижод қилган адилар меросини тадқиқ қилишда “ғоявий таҳрир” масаласини ўрганиш мухим илмий хulosаларга олиб келади. “Матннинг “ғоявий таҳрир”дан ўтиши асарнинг стилистик жиҳатлари билан боғлиқ бўлиши ёки боғлиқ бўлмаслиги мумкин, – деб ёзди олим. Таҳрир баъзан бутун матн таркибиغا, айрим ҳолларда унинг алоҳида қисмига алоқадор бўлади. Ёзма ёдгорликка бутунлай тескари маъно юкланиши, матнда у ёки бу хил “ғоявий тозалаш” ўтказилган бўлиши мумкин. Ҳатто асарга унда мутлақо бўлмаган ғоя қўшилиши ёки матнда мавжуд бўлган ғоя “қисқартирилиши” ҳоллари ҳам учрайди”¹.

Матншунос Н.Жабборов Фурқат асарларини тадқиқ қиласар экан, “ғоявий таҳрир” муаммосини ҳар доим эътиборда тутиш зарурлигини таъкидлайди². Бу масала, бизнингча, Ҳамза шеъриятини ўрганишда ҳам мухим илмий хulosаларга олиб келади.

Лирик меросининг тадқиқи, назмий асарларининг аслият ва нашр нусхаларини қиёсий таҳлил этиш натижалари Ҳамза шеърлари нашр қилиниши жараёнида жиддий “ғоявий таҳрир”дан ўтганини кўрсатади. Шоир шеъриятига алоқадор “ғоявий таҳрир” диссертацияда қуидаги илмий тасниф асосида ўрганилди: 1) бутун матн таркибига оид таҳрир; 2) матннинг алоҳида қисмига алоқадор таҳрир; 3) матнга унда бўлмаган ғоянинг қўшилиши ҳоллари; 4) матнда мавжуд ғоянинг қисқартирилиши.

Умуман, “ғоявий таҳрир” муаллиф ифодаламоқчи бўлган ғояни бузиб талқин этишга, бинобарин, матннинг аслиятга номувофиқ ҳолга келишига сабаб бўлади. Ана шундай мукаммал бўлмаган матн асосида олиб борилган тадқиқотлар эса нохолис, баъзан эса бутунлай нотўғри, ноилмий хulosаларга олиб келиши мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби “Ҳамза лирикасининг манбалари” деб номланган. Унинг биринчи фасли “Ҳамза шеъриятининг қўлёзма ва тошбосма манбалари” тадқиқига бағишланган.

Ҳамза адабий мероси миллий адабиётимиз тарихида алоҳида ўрин тутади. Румий, Ҳофиз, Лутфий, Навоий, Бобур, Бедил, Фузулий, Машраб, Оғаҳий, Фурқат, Муқимий каби Шарқ мумтоз адабиёти вакиллари ижодини ўрганиб, таъсирланиб, уларнинг назмий анъаналарини давом эттириш баробарида ўзи яшаган давр учун тамомила янги адабий тур ва жанрларда асарлар яратгани шоирнинг салоҳияти нечоғли баланд бўлганини кўрсатади.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий лирик мероси жамланган манбаларни қуидагича тасниф этиш мумкин: 1) қўлёзма манбалар 2) архив материаллари 3) тошбосма манбалар.

¹ Лихачев Д.С. Текстология. М. – Л.: Наука. 1964. С. 83–84.

² Қаранг: Жабборов Н. Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси. Ф.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 2004, Б. 59–64.

Қўлёзма манбалар. Шоир ижодини тадқиқ этишда, унинг девони қўлёзмалари мухим аҳамиятга эга. “Девони Ниҳоний”нинг Тошкентда Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 8989 инвентар рақами остида¹; шунингдек, Ғафур Ғулом номидаги Қўқон Адабиёт музейи қўлёзмалар бўлимида (сақланиш рақами: Р-89) икки қўлёзмаларини қиёсий ўрганиш қимматли илмий хуносаларга олиб келади.

Тошкент нусхаси қачон китобат қилингани аниқ бўлмаса-да, шоир архивида сакланадиган хужжатларга таянган ҳолда унга 1914 йилда тартиб берилган, дейилади². Қўлёzmанинг ким томонидан кўчирилгани маълум эмас. Девондан ўрин олган шеърлар рақамланган ва қалам билан чизилган жадвалга олинган бўлиб, айrim саҳифалар бўш қолдирилган. Бу, қўлёzmадаги шеърларни Ҳамзанинг ўзи кўчириган бўлиб, баъзи шеърларини қайта ишлаб девонга киритиб боришни режалаштирган, деган тахминга асос беради.

Ҳамза “Тўла асарлар тўплами” 1-жилдида девондаги шеърлар ҳақида қуйидагича маълумот келтирилади: “Девон” 177 та шеърдан иборат бўлиб, булардан 150 таси ғазал, қолганлари мураббаъ, мухаммас ва мусаддаслардан иборат. Булардан 165 та шеър ўзбек тилида, 10 та шеър форс-тожик тилида, икки шеър эса ўзбек ва рус тилларида ширу шакар йўли билан ёзилган”³.

Бу маълумотда айrim ноаниқликлар бор. 177 шеърдан аксарияти – 150 таси ғазаллар. Бундан ташқари, девондан 2 та маснавий, 3 та мураббаъ, 17 та мухаммас ва 5 та мусаддас ўрин олган. Бироқ форс-тожик тилидаги шеърлар сони 10 та эмас, 12 та. Булар 11 та ғазал ва бир мухаммасдир.

Девоннинг Тошкент нусхаси жами 66 саҳифадан иборат бўлиб, шукrona мазмунини ифодалаган “ушбу кун” радифли ғазал билан якунланади:

مالک اولدیم فیضه یا رب حمد اللہ او شبو کون بختیم آچمیش نی سعادت ڦن هُوَ اللہ او شبو کون

Ҳамза “Девони”нинг Ғафур Ғулом номли Қўқон адабиёт музейидаги нусхаси 1979 йилда топилган⁴. Бу қўлёзма Ҳамзанинг яқин дўстларидан бири Бўронбой Тожибоев томонидан кўчирилган. Тўплам уч тамғали картон билан муқоваланган. Муқова ўлчови: 26x17 см. Рус фабрика қофозига қизил ва қора қалам билан жадвалга олиниб кўчирилган матн формати: 21x13 см., қофоз ўлчови: 25x17 см. Ҳар бир саҳифада ўртacha йигирма сатрдан шеър тўқ бинафша ранг сиёҳ билан кўчирилган. Қўлёzmанинг 42-бетигача котибининг ўзи ҳар бир саҳифани рақамлаган. 16-бетдан 77-бетгача қора сиёҳда китобат қилинган. Бундан кейинги саҳифалар охиригача оч бинафша рангда ёзилган. Тўпламнинг умумий ҳажми 60 варақ бўлиб, охирги ўн етти варақ бўш қолган.

Қўлёзма “Басмала”дан сўнг, “Ё илоҳо, сангадур ҳамду сано, Қодиро, ҳайю тавоно зулаъло”,- матлаъси билан бошланиб, 81-бетда муаллифи номаълум бўлган ғазал билан ниҳояланган. Тўпламда “Ниҳоний” тахаллуси

¹ Бу нодир қўлёзма 1948 йилда Ғафур Ғулом томонидан топилган бўлиб, Ҳамза шеърий мероси ҳақидаги қарашларни анча аниқлаштиргани билан аҳамиятлидир.

² Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Биринчи том. Т.: Фан. 1988. Б.279.

³ Ўша манба. Б. 279.

⁴ Ўша манба. Б. 281.

билан келган ғазал, маснавий, мураббаъ, мухаммас, мусаддаслардан ташқари, бошқа тахаллуслар билан ва тахаллуссиз келган бир нечта шеър ҳам бор. Жумладан, шу тўплам котиби бўлмиш Мулло Бўронбой Миртожибой ўғлининг “Бўроний” (тўпламнинг 64-бетидаги 88-шеър, 67-бетдаги 92-шеър, 68-бетдаги 93-шеър, 75-76 бетдаги 104-шеър, 78-бетдаги 107-шеър), Мирзои Хўқандийнинг “Мирзо” (68-бетдаги 94-шеър) тахаллуслари билан кўчирилган шеърлари учрайди. Тўпламнинг 74-75-бетларида Завқийнинг “Арзирму” радифли шеъри, 76-бетда муаллифи кўрсатилмаган “Ман, қўлунг, чун хаста зоринг, ушласам” мисраси билан бошланувчи ғазал берилган. “Тўла асарлар тўплами” ноширлари тилга олган Фурқат, Зиёвуддин Маҳзун, Сирожиддин Маҳдум Шавкат сингари шоирларнинг шеърлари “Девони Ниҳоний”нинг Кўқон нусхасида учрамайди.

Архив материаллари. Ўзбекистон ФА Давлат Адабиёт музейидаги “Ҳамза архиви ҳужжатлари” Ҳамза ижодий мероси, айниқса, шеъриятининг нодир манбалариданdir. Ушбу архивдаги ҳужжатларнинг бир қисми “Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий архивининг каталоги” сифатида чоп этилган¹. Тадқиқотимиз обьекти бўлгани боис, архивдаги шоирнинг лирик ижоди намуналари сақланаётган асл манбалар ўрганилди. Ҳужжатлар билан танишишда шоир архивининг каталоги алоҳида аҳамиятга эга. Боиси, каталог анча олдин нашрга тайёрланган. Ҳозирга келиб, кўплаб ҳужжатлар сифати пасайган, ёзуви хиралашган, айримлари ҳатто ўқиб бўлмайдиган ҳолга келган. Бу ҳолни архивдаги шоир лирикасига оид деярли барча ҳужжатларда кўриш мумкин. Улар матнини ўқиши қийинлигининг яна бир сабаби, шеърлар ёзилиб, сўнг ўчирилиб тузатилган ёки батамом ўчирилганидир. Масалан, каталог ноширлари “ҳужжат яхши сақланган” дея эътироф этган 90-ракамли ҳужжат ҳам ҳозирда анча сифатсиз ҳолга келган. Бу ҳужжатдаги шеър матни 27 мисра бўлиб, у ҳам нуқсонлардан холи эмас. Шеърда Ҳамза етим болалар учун ўзи очган “Дору-л-айтом”га замондошларидан ёрдам сўраб:

محمد خاطریدن قول و سوز ایتینگ اهل وطن بیتملارنى سیلانگ باشین آچینگ مکتبلارنى بسیار

– дея мурожаат қиласи. Бу шеър шоирнинг “Тўла асарлар тўплами”да берилган бўлиб, юқоридаги байт қуидагича табдил қилинган:

Муҳаммад хотиридин қўл сузунг ҳимоятга

Етимларни силанг бошин, очинг мактабларни бисёр².

Кўринадики, байтнинг биринчи мисраси аслиятга мувофиқ келмайди.

Архивда, бундан ташқари, ўзбек тилидаги шеърлар билан бир қаторда форс-тожик, татар тилидаги назм намуналари ҳам ўрин олган. Жами саккизта ҳужжатдаги шеърлар форс-тожик тилидадир. Бу шеърларнинг айримлари шоир асарлари нашрларида учрамайди. Архивда форс-тожик тилидаги жами саккиз рубоий ва икки ғазал (№17, 18, 25, 26, 31, 34, 63, 102 ҳужжатлар) мавжуд. Яна саккиз ҳужжатда (№95, 96, 97, 98, 99, 100, 101, 106) татар тилидаги шеърлар – 6 рубоий ва 2 фард учрамайди.

¹ Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий архивининг каталоги. 3 томлик. Биринчи том. Т.: Фан, 1990. Б. 456.

² Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Биринчи том. Т.: Фан. 1988. Б.233.

Хуллас, шоир архивидаги 120 ҳужжатнинг 16 таси форс-тожик ва татар тилида, қолган 104 таси ўзбек тилидаги шеърлардир.

Тошбосма манбалар. Ҳамза шеъриятига доир яна бир манба шоирнинг ижтимоий-сиёсий лирикасини жамлаган “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар” мажмуасидир. Мажмуа литографияда чоп этилган. Бу манба ҳозирда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида 7628 л I, 7628 л II ва 4066 ашё рақамлари билан сақланади. 7628 л II рақамли манбада мажмуанинг биринчи бўлимидаги олти шеър уч марта қайта-қайта кўчирилган. 7628 л I манбада эса мажмуанинг бошқа бўлимидаги шеърлар жамланган. 4066 рақамли тошбосма мазкур шеърлар матни жамланган энг ишончли манбадир. Шоир ижтимоий-сиёсий лирикасининг айрим манбалариFaфур Ғулом номидаги Кўқон адабиёт музейида ҳам сақланади: НВФ 1540 “Оқ гул”, НВФ 1155 “Сариқ гул”, НВФ 220 “Пушти гул” шулар жумласидандир.

Ҳамза томонидан қисқа бир муддат (1915-1917 йиллар) ичида етти ашулалар тўплами (Миллий шеърлар мажмуасидан Биринчи бўлим, Оқ гул, Қизил гул, Яшил гул, Сариқ гул, Пушти гул, Сафсар гул) ёзилиб, нашр этилди. Шоир ижодида ўзбек халқ қўшиқлари оҳангига ёзилган шеърлар алоҳида ўрин тутади. Халқ қўшиқлари омма ўртасида эътиборли эканини билган шоир бу жанрнинг бой имкониятларидан фойдаланиш ниятида халқ орасида машхур куйларни тўплаб, улар асосида янги назмий асарлар яратган.

Иккинчи бобнинг “Шоир лирикаси манбаларидаги тафовутлар тадқиқи” фаслида Ҳамза лирикасининг аслиятга мувофиқлиги ўрганилди.

Шоирнинг “Тўла асарлар тўплами” ноширлари “Девони Ниҳоний”даги шеърлар сони ҳақида қуидагича изоҳ беради: “Аслида... шеърлар 198 та бўлиши керак. Чунки рақамлаш вақтида бир ғазал ҳисобга олинмаган. Бундан ташқари, котиб:

Нега, нечун манга сиз мунчалик жафо қиласиз,
Фамингиз ила юрак, бағрими адо қиласиз –
матлаъи билан бошланган нотугал ғазал; матлаъи сақланмаган:

Эй Ниҳоний, ишқ аро ўлмоқдин ўзга йўқ илож,
Сабзазоридур кўкармас оқса минг дарёчамиз –
мисралари билан тугалланган ғазал билан қўшиб, 61-шеър тарзида
рақамлаган. Бу ўринда кузатишлар “Девон”дан бир саҳифанинг тушиб
қолганлигини кўрсатади. Шунингдек, 11-12 рақамли саҳифалар ўртасида ҳам
бир варақ тушиб қолганлиги англашилади”¹.

Девоннинг Тошкент нусхасида юкорида зикр этилган матлаъи сақланмаган ғазалнинг 11 байти йўқ. Шеър девоннинг Кўқон нусхаси асосида тикланган. Унга кўра шеър ҳажми жами 19 байт бўлиб, мақтаъдан олдинги қуидаги бир байт нашрдан тушириб қолдирилган:

اوْلیده ياشليگيدين گرچه قىلدىنگ تربى بير تصدق نى گداسى بولدى عبد الله چه ميز

Давлат Адабиёт музейида сақланётган шоир архивидаги 590, 591, 592, 594, 595 рақамли ҳужжатларда шоирнинг 1905-1914 йиллар оралиғида ёзилган шеърлари рўйхати берилган. Рўйхатдаги аксар шеърлар “Девони

¹ Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Биринчи том. Т.: Фан. 1988. Б. 280.

Ниҳоний”га кирган. Ҳамзанинг “Тўла асарлар тўплами” ноширлари архив маълумотларига таяниб, куйидаги холосани беради: “Агар рўйхатда 210 шеърнинг биринчи мисраси қайд қилинса, “Девон”да эса, юқорида айтилганидек, 197 шеър ҳақидаги маълумотга дуч келамиз (Тўғри, рўйхатдаги 22 та шеър икки марта такроран ёзилган). Айтиш керакки, рўйхатда мавжуд бўлиб, “Девон”га кирмай қолган асарлар учраганидек, “Девон”да мавжуд қатор шеърлар ҳам рўйхатда қайд этилмаган”¹.

Архивдаги маълумотга кўра, Ҳамзанинг 1905–1914 йилларда ёзган шеърлари сони 218 та. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам девонга кирган эмас. Баъзи шеърлар номи рўйхатда такрорланади. Шоир келтирган рўйхатдаги 218 шеърдан 174 таси Ҳамзанинг “Тўла асарлар тўплами” нашрига киритилган. Рўйхатдаги 30 та шеър нашрда учрамайди. Сарлавҳалардан 14 таси қайта такрорланган.

Таъкидлаш керакки, девоннинг Кўқон нусхасидаги яна уч шеър нашрда ҳам, Тошкент нусхасида ҳам, бошқа манбаларда ҳам учрамайди. Булар “Боғ эшигидан чиқдилар париваш фириллаб”, “Эй маҳваши замоним, айтгонингиз муборак” ва “Қилгай хижолат кабкни ул нозанин хандасидур” мисралари билан бошланувчи ғазаллардир.

Учинчи боб “Ҳамза шеърий асарларининг матний тадқиқи” деб номланган. Унинг “Девони Ниҳоний”даги шеърларнинг қиёсий-текстологик таҳлили” деб аталувчи биринчи фасли шоир девони ва унинг нашри тадқиқига бағишиланган.

Маълумки, девон жорий имлода қайта-қайта чоп этилган. Лекин нашрдан нашрга ўтган сари шоир асарлари матни мукаммаллашув ўрнига аслиятдан узоклаша боргани кузатилади. Бунинг сабабларини, аввало, шоир шеъриятини ўша давр ҳукмон мафкурасига мослаштириш, лирик асарларини аслиятга зид равишда таҳrir этиш сингари илмга зид ҳаракатлар билан изоҳлаш мумкин.

Ноширлар Ҳамза “Тўла асарлар тўплами”нинг ilk манбалар асосида қайта тайёрлангани, шеърлар матни билан боғлиқ камчиликлар бартараф қилингани ҳақида ёзадилар². Бироқ девоннинг аслият ва табдил варианtlари қиёси бунинг аксини кўрсатади. Бу эса, девондаги шеърларнинг қиёсий-матний тадқиқини кун тартибига қўяди. Ишда қиёсий-матний тадқиқ учун девоннинг Тошкент нусхаси ва унинг сўнгги нашри (Тўла асарлар тўплами 1-жилди) асос қилиб олинди.

“Девони Ниҳоний”даги шеърлар матний тафовути қуйидаги тасниф асосида ўрганилди: 1) қисқартиришлар; 2) ўзгартиришлар.

Ишда шоир шеърий асарлари матнига доир қисқартиришлар қисқартирилган байтлар, бандлар ва ғазалларга бўлинib ўрганилди. Қўллэзманинг 15^a-саҳифасидаги ғазал матлаъи қуйидагича:

فکر قیلسم بو گل وصلیگ گا حیران اولمایان کیمدور

بولوب دیوانه کوینگده غزلخوان اولمایان کیمدور (Тошкент нусха 15^a -б)

¹ Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Биринчи том. Т.: Фан. 1988. Б. 280.

² Қаранг: Ўша манба, Б. 283.

Ушбу ғазал асл манбада 11 байт бўлиб, қуидаги байти шоир асарлари нашрларида қисқартирилган:

خىنەڭ تىرى مژگانىنگ بۇ قاتىل لىك نى ترک اپتىه

جهود و گبرو ترسادىن مسايان او لمىيان كىمدور (Кўқон нусха 15-б)

Бундан ташқари, 8-байтидаги “санга” сўзи нашрда “шайд”, “қасди”, “ёлғуз” сингари сўзлар “қасдинг”, “ёлғиз” тарзида ўзгартирилган. Бу эса тил меъёрлари бузилишига ҳамда вазн сакталигига сабаб бўлган.

Ҳамзанинг Нисорий Наманганий ғазалига мураббаъ тарзида ёзилган “Ўйласам, жонона, йўқ оламда монандинг сани” мисраси билан бошланувчи шеъри “Девони Ниҳоний”нинг 46^б-бетидан ўрин олган. Мураббаъ жами 14 банддан иборат бўлиб, нашр нусхада қисқартиришга учраган. Жумладан, мураббаънинг “Холиқим қудрат қўли бирла юзинг нақш айламиш” ва “Қодиро, баҳтиң очуб, давлатни берсун безавол” мисралари билан бошланувчи олтинчи ҳамда ўн учинчи бандлари шоирнинг “Мукаммал асарлар тўплами”дан тушириб қолдирилган. Таассуфки, “Тўла асарлар тўплами”да ҳам бу камчилик тўлиқ бартараф этилмаган, яъни қуидаги олтинчи банд бу нашрдан ҳам тушириб қолдирилган:

خالق قدرت قولى برلە يوزنگ نقش ايلمش
هر ملاحت حوسنى زىيالقنى سنگا زملمش
آيو كون ابر ايچره قلگى بربىنى سرزنش
نسلى آدم توغمى عالمدە ماندىنگ سنى (Тошкент нусха 46^б-б)

Бундай мисолларни қўплаб келтириш мумкин. Табиийки, бундай қисқартиришлар матннинг мукаммалигига, шеърдаги ўзига хос оҳангдорликка путур етказади, муаллиф даврига хос тил хусусиятлари бузилишига сабаб бўлади. Шу боис бу ҳолнинг сабабларини таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш матншуносликнинг долзарб вазифалариданdir.

Юқорида таъкидланганидек, девоннинг Кўқон нусхасидаги бир қатор ғазаллар бошқа манбаларда, ҳатто шоир асарлари нашрларининг бирортасида ҳам мавжуд эмас. Диссертацияда Тошкент нусхада учрамайдиган ана шундай ғазаллар матни биринчи марта жорий имлода келтирилган (“Боғ эшигидан чиқдилар париваш фириллаб”, “Жоно санга етарни борму иложи йўқму” ҳамда “Қилгай хижолат кабкни ул нозанин хандасидур” мисралари билан бошланган ғазаллардир).

Девон матнини ўрганиш шундан далолат берадики, қўлёзмадаги шеърлар нашр этилиши жараёнида улардаги айрим сўзлар, мисралар ва байтлар муайян ўзгартиришларга учраган. Назмий асарлар матнидаги бундай ўзгартиришлар ишда қуидаги гуруҳларга бўлиб ўрганилди: а) товуш ва сўзларнинг ўзгариши; б) мисра, байт ва бандларнинг ўзгариши.

Учинчи бобнинг “Шоирнинг ижтимоий-сиёсий шеърлари матний тадқиқи” фаслида Ҳамзанинг “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар” мажмуасига кирган назмий асарлари ўрганилган. Ҳамза “Миллий шеърлар” и биринчи бўлимидаги дастлабки шеър “Йиғла, Туркистон” нақароти билан келишининг ўзиёқ унинг ушбу тўпламларидан кўзланган мақсадни англаш имконини беради. Зоро, уларда ижтимоий-сиёсий моҳият бетакрор бадиият билан ифодаланган. Бироқ бу асарлар нашр нусхаларининг аслият билан

қиёси уларнинг матни хатолардан холи эмаслигини кўрсатади. Жумладан, шоирнинг “Тўла асарлар тўплами”даги шеърларда учрайдиган матний тафовутлар бу фикрни тасдиқлайди. Масалан:

Биздек ҳеч миллат борму зиллатга ботган,
Сафоҳатга алданиб иффат йўқотган.
Фироринда тик ётур ихват ўргатган,
Жаҳлу бидъат заҳрини шарбат кўрсатган¹.

Аслиятдаги “мозор сўзи (З-мисра) “фирор” (қочмок) деб хато ўқилган. Мисрада ихват – оға-иничиликни ўргатганлар мозорида тик ётар, элда биродарлик туйгуси йўқолди, миллат фарзандлари бир-бирига душман бўлиб қолди, бу ҳол жаҳолат, нодонлик заҳрини шарбат деб кўрсатганлар иши, деган мазмун ифодаланган. Кўриниб турибдики, “тахрир” қилинган бир сўз бутун бир бандда илгари сурилган фикрга соя солган.

Бундан ташқари, ушбу шеър мазмунининг асл жавҳари ифодаланган қуидаги банди нашр нусхадан тушириб қолдирилган:

شوندای کیتسه حالیمیز نی لار بولغوسی بیزگا کیلگوسی
باری کلft بولغوسی بیزگا کیلگوسی²
طعنه تاشی باشلارنى آنده يارغوسی ایشیک لارده سایل لیک سونگرہ قالغوسی

“Дармон истариз” шеърида ҳам бир қатор матний тафовутлар борлиги кузатилади. Нақаротнинг биринчи мисрасидаги “хатми Қуръон” аслиятда “хукми Қуръон”дир. Нашрдаги еттинчи бандда (тошбосмада бешинчи) ҳам бир қанча матний фарқлар мавжуд:

Бизча миллатлар ичida бемаориф зод йўқ,
Бойларимизнинг макотиб фикрида ижод йўқ.
Нафси Қуръону ҳадис ўргатгувчи устод йўқ,
Бошда оламларда чин миллат суюн ифрод йўқ.³

Тўртинчи мисрадаги “Бошда оламларда” бирикмаси аслиятга кўра “Биллоҳ олимларда” (Тошбосма 5-б) бўлиши керак. Кўриниб турибдики, “Оллоҳга қасамки, олимларда миллатни чинакамига сужидиган бирорта ҳам мард йўқ”, деган мазмун ноўрин тахрир натижасида саёзлашган, матндан англашиладиган фикр ўзгача тус олган.

“Дардига дармон истамас” шеъри нашрида ҳам шу каби номувофиқликлар бор. Учлик (мусаллас) шаклида ёзилган бу шеър матнида ҳам бир қанча фарқлар учради. Нашрда:

“Жамшид”у, “Зарқум”, “Баёз” аҳли салоҳин илгода,
Ё ақоид, ё ҳадис, тасвири қуръон истамас.
Ухлама кўп, ўзбек эли, асри тараққий вақтида⁴.

Тошбосмада эса:

جمشید زرقوم بیاض اهل صلاحین ایلگیده
یا عقاید یا حدیث تفسیر قرآن ایستمس
او خلمه کوب او زبیک ایلی عصر طرّقی و قتیده
(Тошбосма 6-б)

¹ Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Иккинчи том. -Т.: Фан. 1988. Б. 8.

² 7628 Л II инв. рақамли тошбосма. 2- бет.

³ Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Иккинчи том. - Т.: Фан. 1988. Б. 14.

⁴ Ўша манба. Б. 29.

Бу ерда “тасвири қуръон” бирикмаси тошбосмада “тафсири Қуръон”дир. Табиийки, бу икки сўз бир-биридан моҳиятан жиддий фарқ қилади. Бундан ташқари, “Сариқ гул” (Тошбосма 3-б) тўпламидан ўрин олган қуидаги бутун бошли бир банд шоир асарлари нашридан тушиб қолган:

نېچه مينگ مسلمانى ناموس خوار او لمديمو؟ پرچه نان ياردمى چون کوز نگار او لمديمو؟

نېچه لار دربدر دهر ديار او لمديمو؟ کوز آچинگ بизگا قرا کونде مدار او لمديمو؟

Шоир шеърлари матний тадқиқи уларнинг аслиятга мувофиқ мукаммал нашрларини тайёрлаш заруратини кун тартибига қўяди.

Х У Л О С А

1. XX аср бошидаги маърифатчилик моҳияти ҳақидаги Президент И.А.Каримов қарашлари, соҳа олимларининг илмий-назарий тадқиқотларида эришилган натижалар Ҳамза шеърияти, у орқали умуман жадид адабиётини ўрганишда методологик асос вазифасини ўтайди. Бу борадаги илмий тадқиқотлар ана шу методологик асосга таянилган ҳолда олиб борилиши хуносаларнинг ҳаққонийлигини, миллий истиқтол мағкурасига ва адабий-эстетик тафаккур моҳиятига мутаносибликни таъминлайди.

2. Ана шу методологик асосга таянган ҳолда Ҳамза шеъриятини ўрганишнинг қуидаги тамойилларини тавсия этиш мумкин: 1) Ҳамза шеърий асарлари матнининг аслиятга мувофиқлигини аниқлаш; 2) шоир шеърларида матн таҳрири масаласини ўрганиш; 3) Ҳамза лирикасининг мумтоз адабий анъаналарга муносабатини тадқиқ қилиш; 4) ижодкор асарларининг ўзбек миллий уйғониш адабиёти руҳига ва миллий истиқтол ғоясига мувофиқлигини белгилаш; 5) Ҳамза шеъриятида динийлик ва дунёвийлик мувозанати муаммоси таҳлили; 6) шоир асарларининг умуминсоний ва миллий маърифий-ахлоқий моҳиятини тадқиқ этиш.

3. Матн таҳрири масаласини ўрганиш матншуносликнинг назарий-методологик аҳамиятга эга илмий муаммоларидандир. Бинобарин, матн таҳрири муаммосини тадқиқ этиш муаллиф ижодий лабораториясига кириш, матннинг такомил босқичларини, унинг аслият билан мувофиқлик даражасини аниқлаш имконини беради.

4. Ҳамза шеърларининг тадқиқи уларда матн таҳрири уч хил асосда амалга оширилганини қўрсатади: 1) муаллиф таҳрири; 2) қўлёзмани қўчирган котиб таҳрири; 3) ғоявий таҳтир. Матн таҳрирининг ҳар учала тури асарнинг тўлақонли, талаб даражасидаги матнини тиклашга, бу орқали эса, унинг тўғри талқин этилишини, асар устида олиб бориладиган тадқиқотларнинг илмий жиҳатдан асослилигини таъминлашга хизмат қиласди.

5. “Девони Ниҳоний”нинг Тошкентда Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 8989 инвентар рақами остида сақланаётган нусхаси, биринчидан, муаллиф дастхати дейишга асослар етарли эканлиги, иккинчидан, шоир шеърий меросининг катта қисмини жамлагани эътиборига қўра таянч нусха ҳисобланади. Қўлёзмани девоннинг нашр нусхалари билан таққослаш Ҳамза назмий асарларини нашрга тайёрлашда кўплаб матний хатоларга йўл

қўйилганини кўрсатади. Шоирнинг форс-тожик тилидаги шеърлари ноширлар қайд этиб келганидек 10 та эмас, 12 тани ташкил этади. Шунингдек, Ҳамзанинг 29 та шеъри “Девони Ниҳоний”нинг Кўқон нусхаси асосида нашрга тайёрлангани шоир меросини ўрганишда ҳар иккала манбанинг ўзига хос қимматга эга эканидан далолат беради.

6. Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейидаги “Ҳамза архиви ҳужжатлари” ҳам шоир асарларини ўрганишда ўзига хос манба саналади. Бу архив ҳужжатлари каталог сифатида нашр этилган. Архив ҳужжатларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, улардаги аксарият шеърлар матни, биринчидан, ўқилиши қийин ҳолга келган бўлса, иккинчидан, нашрга тайёрлашда кўплаб матний хатоликларга йўл қўйилган.

7. “Миллий ашуалар учун миллий шеърлар” мажмуасининг Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 7628 л I, 7628 л II ва 4066 инвентар рақамлари остида сакланётган тошбосма нусхалари Ҳамза ижтимоий-сиёсий лирикасининг асосий манбаларидир. Улардаги шеърлар, биринчидан, халқ куйларига мослаб ёзилгани, иккинчидан, миллий уйғониш ғоясини ифодалагани билан шоир ижодида алоҳида мавқега эга. Бироқ бу мавзудаги шеърларни тадқиқ қилиш уларнинг нашр нусхаларида матний тафовутлар қўп эканини кўрсатади. Бу йўналишдаги назм намуналари Ҳамзанинг дунёқарашини аниqlашда, унинг ўша даврдаги ижтимоий воқеликка муносабатини белгилашда алоҳида аҳамиятга эга.

8. “Девони Ниҳоний” манбаларини ўзаро қиёслаш шундан далолат берадики, Тошкент нусхаси нисбатан мукаммал бўлса-да, Кўқон нусхадаги айrim шеърлар бу манбада учрамайди. Бундай назм намуналари сони жами 29 тани ташкил этади.

9. Ҳамза архиви каталогида келтирилган шоир лирикасига доир маълумотлар шеърларнинг аслиятига муайян даражада номувофиқдир. Жумладан, ғазалларнинг биринчи мисраси нотўғри табдил қилиниши, зътиборсизлик натижасида уларнинг тушириб қолдирилиши, алоҳида алоҳида сарлавҳаларнинг шеър сифатида қайд этилиши ҳоллари бунинг исботидир. Бу каби тафовутли жиҳатларнинг тузатилиши шоир ижодий мероси ҳақидаги мавжуд тасаввурларни ойдинлаштиради, шеърий асарларнинг ишончли матнини тиклаш имконини беради.

10. Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи Ҳамза архивидаги 590, 591, 592, 594, 595 рақамли ҳужжатларда шоирнинг 1905-1914 йиллар оралиғида ёзилган шеърлари рўйхати берилган. Рўйхатдаги 218 шеърдан 174 таси Ҳамзанинг “Тўла асарлар тўплами” нашрига киритилган. Рўйхатдаги 31 та шеър нашрда учрамайди. Сарлавҳалардан 14 таси қайта такрорланган. Бу шеърлар матнини ўрганиш ҳамзашуносликда шоир меросининг кўлами ҳақида билдирилган мулоҳазалар қайта кўриб чиқилишини тақозо этади.

11. “Девони Ниҳоний”даги шеърларнинг аслият ва нашр вариантлари орасидаги тафовутларни қуидагича таснифлаш мумкин: 1) қисқартиришлар:

2) ўзгартиришлар. Матнадың қисқартиришлар, ўз навбатида, учга бўлиб ўрганилди: қисқартирилган байтлар, қисқартирилган бандлар, қисқартирилган ғазаллар. Шоир асарларини ўрганиш асосида бундай қисқартиришлар шеър матнидаги мазмун яхлитлиги ва изчиллигига путур етказиши, шоирнинг муайян лирик асардан кўзда тутган мақсади, дунёқараши, поэтик холосаси ҳақида нотўғри тасаввур уйғотиши аниқланди.

12. Матний тафовутларнинг кейинги тури – ўзгартиришлар ҳам шоир шеърлари матнида кўп учрайди. Матнадың ўзгартиришларнинг икки тури кузатилди: 1) товушлар ва сўзларнинг ўзгариши; 2) мисра, байт ва бандларнинг ўзгариши. Таъкидлаш жоизки, матнадың бундай ўзгартиришлар, катта-кичиклигидан қатъи назар, баъзан асардаги тарихийликка путур етказса, айрим ҳолларда бадиий шаклнинг бузилишига сабаб бўлади. Қолаверса, бундай ўзгартиришлар, шеър ритмига, унинг ўзига хос оҳангига зарар келтириши мумкин. Бинобарин, матн аслиятига киритилган ҳар қандай ўзгартириш мақсадга мувофиқ эмас.

13. Ҳамзанинг “Миллий шеърлар мажмуасидан Биринчи бўлим”, “Оқ гул”, “Қизил гул”, “Яшил гул”, “Сарик гул”, “Пушти гул”, “Сафсар гул” сингари етти қисмдан иборат “Миллий ашуалар учун миллий шеърлар” тўпламининг бизгача икки тошбосма нусхаси етиб келган. Уларнинг манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқини амалга ошириш шоир ижтимоий-сиёсий лирикасини илмий баҳолашда асосий мезон вазифасини ўтаси мумкин.

14. “Миллий ашуалар учун миллий шеърлар” тўпламига кирган шеърларнинг тошбосма манбадаги ва нашр нусхадаги матнларини ўзаро қиёсий ўрганиш натижалари нашр нусхада кўплаб матний хатолар, қисқартиришлар мавжудлигини кўрсатади. Бу эса, Ҳамза ижтимоий-сиёсий лирикасининг ишончли манбалар асосидаги тўлиқ ва мукаммал матнларини қайта тайёрлаш масаласини кун тартибига қўяди.

Тадқиқотнинг асосий мазмуни диссертантнинг қўйидаги мақолаларида ўз ифодасини топган:

1. Амонов Ш. Ҳамза шеърияти нашрларига доир айrim мулоҳазалар. // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар – Тошкент, 2008 - №3.- Б. 143-146.
2. Амонов Ш. Ҳамза ижоди: қайта баҳолаш зарурати. // Илм сарчашмалари. – Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университети, 2008 - №4.- Б. 59-60.
3. Амонов Ш. Нашр орзуси. // Илм сарчашмалари. –Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университети, 2009 - №1.- Б. 28-30.
4. Амонов Ш. Ҳамза шеъриятининг манбалари хусусида. // Айюб Ғуломов ва ўзбек тилшунослиги масалалари (Илмий мақолалар тўплами). – Тошкент, 2009.- Б. 135-140.
5. Амонов Ш. Ҳамза ва унинг девони. // Ўзбек филологиясига оид тадқиқотлар (талабалар, магистрантлар, аспирант ва докторантларнинг илмий-амалий анжуман материаллари). – Тошкент, 2009.- Б. 109-110.
6. Амонов Ш. Маърифат – миллат кўзгуси. // Ўзбекистон матбуоти. – Тошкент, 2009 - №3-4.- Б. 80-81.
7. Амонов Ш. Ҳамза лирикасини тадқиқ қилиш тамойиллари. // Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари (ЎзМУ Ўзбек филологияси факультети профессор-ўқитувчилари ва аспирант, тадқиқотчи ҳамда талабаларнинг Илмий анжумани материаллари). – Тошкент.: Мумтоз сўз, 2010.- Б. 111-118.
8. Амонов Ш. “Девони Ниҳоний”даги баъзи шеърларнинг матний тадқиқи. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2010.-№1. - Б. 74 - 76.
9. Амонов Ш. Ҳамза шеъриятида матн таҳрири масаласи. // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2010.- №4. - Б. 151- 156.
10. Амонов Ш. Диван Ҳамзы. // Алтаистика и тюркология . – Казахстан, 2010.-№1-2. - Б. 125 - 129.

**Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Амонов
Шермуҳаммад Нормуротовичнинг 10.01.11-Адабий манбашунослик ва
матншунослик ихтисослиги
бўйича “Ҳамза шеъриятининг манбалари, матний тадқиқи” мавзуидаги
диссертациясининг
Р Е З Ю М Е С И**

Таянч (энг муҳим) сўзлар: Ҳамза, шеърият, Девони Ниҳоний, Миллий ашулалар учун миллий шеърлар, тамойил, манба, манбашунослик, матн, матн таҳрири, матн тарихи, матншунослик, матний тадқиқ, қўлёзма, дастхат.

Тадқиқот обьектлари: Ҳамзанинг ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейида сақланаётган архиви, шоир асарларининг ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида ҳамдаFafur Гулом номидаги Қўқон Адабиёт музейида сақланаётган қўлёзмалари.

Ишнинг мақсади: “Девони Ниҳоний” қўлёзмаси ва “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар” тўплами қиёсий-матний тадқиқини амалга ошириш ҳамда Ҳамза шеъриятини ўрганишнинг назарий-методологик муаммоларини ҳал қилиш.

Тадқиқот методи: Тарихий-қиёсий метод.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:

- Ҳамза шеъриятининг манбалари ва матний тадқиқи муаммоси ilk бор алоҳида тадқиқот обьекти сифатида ўрганилди;
- Шоир ижодий меросига оид тадқиқотлар таҳлили асосида Ҳамза шеъриятини ўрганишнинг назарий-методологик тамойиллари аниқланди;
- “Девони Ниҳоний”даги шеърларнинг матний тадқиқи асосида шоир лирик асарларининг аслиятга мувофиқ матни тикланди;
- “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар” мажмуасига кирган ижтимоий-сиёсий мавзудаги шеърлар аслият ва нашр нусхаларининг қиёсий таҳлили натижасида улардаги матний тафовутлар аниқланиб, назарий умумлашмалар чиқарилди.

Амалий аҳамияти: Тадқиқот натижаларидан олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари, хусусан, филология факультетларида “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти”, “Ўзбек адабиёти” фанларидан дарс машғулотлари ўтишда, “Матншунослик”, “Адабий манбашунослик ва матншунослик тарихи”, “Ўзбек ёзма матнининг тараққиёт босқичлари” сингари фанлар бўйича бакалавриат ва магистратура босқичлари учун ўкув қўлланмалари, услубий қўрсатмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Тадқиқот натижалари бўйича илмий маъruzалар қилинган ва 10 та илмий мақола чоп этилган.

Қўлланиш(фойдаланиш) соҳаси: Адабиётшунослик, адабий манбашунослик ва матншунослик.

РЕЗЮМЕ
диссертации Амонова Шермухаммада Нормуротовича по теме
«Источники, текстовое исследование поэзии Хамзы» на соискание
ученой степени кандидата филологических наук по специальности
10.01.11. – Литературное источниковедение и текстология

Ключевые слова: Хамза, поэзия, Девони Нихоний, национальные стихи для национальных песен, тенденция, источник, источниковедение, текст, правка текста, история текста, текстология, текстовое исследование, рукопись, автограф.

Объекты исследования: Архив Хамзы, хранящийся в государственном Литературном музее имени Алишера Навои АН Руз, рукописи произведений поэта, хранящиеся в фондах Института Востоковедения имени Абу Рейхана Беруни и Литературного музея имени Гафура Гуляма в Коканде.

Цель исследования: сравнительно-текстологический анализ рукописи сборников «Девони Нихоний» и «Национальные стихи для национальных песен», теоретико-методологических проблем изучения поэзии Хамзы.

Методы исследования: историко-сравнительный анализ.

Полученные результаты и их научная новизна:

- впервые в качестве отдельного объекта исследования изучена проблема источников и текстологическое изыскания поэзии Хамзы;

- на основе анализа исследований по поэтическому наследию Хамзы определены теоретико-методологические принципы изучения его поэзии;

- на основе текстологического анализа стихов в сборнике «Девони Нихоний» восстановлены тексты лирических произведений в соответствии с их оригиналами;

- на основе сравнительного анализа оригиналов стихов социально-политической направленности, вошедших в сборник «Национальные стихи для национальных песен», с их изданными версиями, выявлены текстовые различия в них, а также сделаны соответствующие теоретические обобщения;

Практическая значимость: результаты исследования могут быть использованы в структуре высшего и средне-специального образования, в ходе проведения лекционных и практических занятий по курсам «Узбекская литература периода национального Возрождения», «Узбекская литература», «Текстология», «История литературного источниковедения и текстологии», «Этапы развития узбекского письменного текста», читаемым в бакалавриате и магистратуре на факультетах узбекской филологии, а также при подготовке соответствующих учебных пособий, методических указаний.

Степень внедренности и экономическая эффективность: результаты исследования опубликованы в 10 научных статьях, научных докладах соискателя на научно-практических и научно-теоретических конференциях.

Область применения: литературоведение, литературное источниковедение и текстология.

R E S U M E

of the thesis of Amonov Shermukhammad Normurotovich on theme “Sources of Khamza’s poetry, its textual analysis” for Candidate’s degree of philological science according to specialization 10.01.11 – Literary source study and textual study

Key words: Khamza, poetry, Devony Nikhoniy, ethnic poems for ethnic songs, principle, source, source study, text, text editing, text history, textual study, textual analysis, manuscript, toshbosma (publication by stone)

Research objects: Khamza’s archive in the State Literature museum named after Alisher Navoiy on Academy of Science of the Republic of Uzbekistan, the poet’s manuscripts in fund of the institute of Oriental studies named after Abu Rayhan Beruniy on Academy of Science of the Republic of Uzbekistan and in Kakand Literature museum named after Gafur Gulom.

Purpose of work: Implementation of textual-comparative analysis of the manuscript “Devony Nikhoniy” and collection “Ethnic poems for ethnic songs”, and solving theoretical-methodological problems of study of Khamza’s poetry

Method of research: historical-comparative

Research results and their novelty:

- The problem of sources of Khamza’s poetry and its textual analysis is investigated as an object of investigation for the first time;
- Theoretical-methodological principles of study of Khamza’s poetry are defined on basis of the analysis of investigations on poet’s oeuvre;
- On basis of textual analysis of poems in “Devony Nikhoniy” texts of lyric works of poet were restored in accordance with the original;
- As a result of comparative analysis of the original and edited versions of poems on social-political theme from “Ethnic poems for ethnic songs” collection there were defined textual differences, and made theoretical generalizations.

Practical meaning: the materials of research can be used in higher educational institutions, especially, in practical lessons on subjects like “Uzbek literature in the period of National revive”, “Uzbek literature” at philological faculties, in creation of manuals and tutorials for bachelors and masters on subjects like “Textual study”, “History of literary source study and textual study”, “Stages of development of Uzbek written text”.

Results of use: According to results of research there were given scientific lectures and 10 scientific articles were published.

Field of use: literary criticism, literary source study and textual study.